

Исломий банклар ва молия институтлари бош кенгаши ОАВ вакиллари билан ҳамкорликни кучайтиради



10:06 / 26.09.2020 1616

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Миллий ахборот агентликлари ассоциацияси (UNA-OIC) ва Исломий банклар ва молия институтлари бош кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

«UNA» ахборот агентлиги хабарида қайд этилишича, ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ОАВ вакиллари исломий банк ва молия институтлари фаолияти билан атрофлича таништирилади ва уларга ташкилотларнинг минтақа тараққиётидаги аҳамияти тарғиб этилади.

Лойиҳа доирасида иштирокчилар учун семинар-тренинглари, танловлар, ўқув машғулоти ва медиа форумлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ўтказилган тадбирлардан эса кенг жамоатчиликни исломий банклар ва молия институтлари фаолияти билан кенгроқ таништириш мақсад қилинган.

Манба: uza.uz